

ТАСДИҚЛАНГАН"
“Buxoroneftgazavtonaql” АЖ
акциядорларининг
“28” июн 2023, йилдаги
навбатдаги хисоботи умумий
йигилиши баённомаси



**“Buxoroneftgazavtonaql”
акциядорлик жамиятининг
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДА
НИЗОМ**

Когон шаҳар -2023 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя килиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Махкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ килиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта 166-сон қарори хамда “*Vioxoroneftgazavtonaq!*” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига ва бошқа норматив-хукукий хужжагларга мувофиқ ишраб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгашининг макомини, ваколагларини, хукуқ ва мажбуриятларини хамда унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Жамият Кузатув кенгashi Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги конунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Жамият Кузатув кенгashi ўз фаолиятини амалдаги конунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомга асоссан амалга оширади.

II. Кузатув кенгашининг ваколат доираси

2.1. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг сони 9 (*тўйкүз*) кишидан иборат.

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

2.2.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият бошқарув органининг хисоботини мунтазам равишда эшитиб борган холда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.2.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

2.2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.2.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;

2.2.5. Акциядорларнинг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

2.2.6. Жамият Уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳтиридаги Уставини тасдиқлаш масалаларини ҳал килиши учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

2.2.7. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.2.8. Жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

2.2.9. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти



тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

2.2.10. Жамияттинг йиллик бизнес-режасини маъкуллаш. Бунда Жамияттинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаси мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктиримай маъкулланиши лозим;

2.2.11. Ички аудит хизматини ташкил этиши ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек хар чоракда унинг хисобогларини эштиб бориш;

2.2.12. Жамият бошқарув организининг фаолиятига даҳлдор жар қандай юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни бошқарув организидан олиш. Жамият Кузатув кенгаси зиммасига хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

2.2.13. Аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тұланадиган әңг күй ҳақ міндері ва у билан шартнома тушиш (шартноманы бекор килиш) тұғрисида қарор қабул килиш;

2.2.14.Дивиденд міндері, уни тұлаш шакти ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.2.15.Жамияттинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланыш;

2.2.16.Жамияттинг филиалдарини ташкил этиши ва ваколатхоналарини очиш;

2.2.17.Жамияттинг шұйба ва тобе хұжалик жамияттарини ташкил этиш;

2.2.18.Конунчилікда назарда тутилған холларда йирик битимлар тузиш; хамда Жамияттинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тұғрисида қарор қабул килиш;

2.2.19. Жамияттинг тижорат ва нотижорат ташкилоттардаги иштироки билан бөлгік битимларни конун хужжатларида белгиланған тартибда тузиш;

2.2.20.Жамияттинг корпоратив облигацияларини қайтарып сотиб олиш тұғрисида қарор қабул килиш;

2.2.21. Жамияттинг устав фондини (устав капиталини) күпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамияттинг устав фондини (устав капиталини) күпайтириш ҳамда Жамияттинг Эълон килингандықтан соңини камайтириш билан боңлік үзгартыш ва күшімчалар кириш тұғрисидеги масалаларни ҳал килиш;

2.2.22.Конунчилікка мувофик акцияларни жойлаштириш (кимматли қоғозларнинг биржя бозорига ва уюшған биржадан ташқары бозорига чиқарыш) нархини белгилаш;

2.2.23.Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқарыш тұғрисида қарор қабул килиш;

2.2.24. Кимматли қоғозларнинг ҳосилларини чиқарыш тұғрисида қарор қабул килиш;

2.2.25. Жамияттинг бошқарув организини тузиш, унинг рахбарини сайлаш (тайинлаш), рахбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатищ);



2.2.26. Жамият харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт килиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиши;

2.2.27.Жамият бошқарув органни раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринbosari ва лойиха офисининг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

2.2.28.Жамият бошқарув органига тўланадиган ҳақ ва мукофот микдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари “паст” ёки “қоникарсиз” деб баҳолангандан тақдирда ижро органни томонидан ўтган хисобот йилида тўлангандан мукофотни тўлиқ Жамиятта кайтариш масаласини кўриб чиқиш;

2.2.29. Жамият бошқарув органи раҳбарига хусусийлаштириш сифагли ва белгилangan муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот (мазкур Низомнинг 2.2.28-бандида кўзда тутилган рағбатлантиришдан ташқари) ёки амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаш;

2.2.30.Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулкъ объектларини сотиб олиш ёки куриш хамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшумча фаолият билан шуғулланиш максадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли карор қабул килиш;

2.2.31. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидағи корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;

2.2.32. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъкуллаш;

2.2.33. Жамиятнинг раҳбар лавозимларига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, бошқарув органни раҳбари ва унинг ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон килиш ва ўтказиш;

2.2.34. Ахборот сиёсати тўгрисидаги низомни тасдиқлаш;

2.2.35. Ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (опиш) тартиби ва шартларини белгилаш хамда бу борада қарор қабул килиш қонунчилик талабларидан келиб чикган ҳолда;

2.2.36. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш хукуқига эга мустакил ташкилотни танлов асосида танлаш;

2.2.37. Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, аудит, тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга карши курашиш ва этика кўмиталарини, шунингдек зарурятга кўра бошка кўмиталарни ташкил қилиш;

2.2.38.Жамиятни яшил иктисолидётига ўтиш жараёнини жадаллаштириш;

2.2.39.Жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташки қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид

тизимини жорий этиш, инвестиция лойихаларини молиялаштиришга мүкобил маңылғаларни жалб этиш;

2.2.40. Конунчилек ва Жамият Уставига мувофиқ башка масалаларни ҳал этиш.

2.2.41. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал килиш учун Жамиятнинг башкарув органига ўтказилиши мумкин эмас.

III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва ваколатини муддатидан илгари тутатиш

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари конунчилекда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йинилиши томонидан 3 (үч) йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда кайта сайланиси мумкин.

3.3. Жамият башкаруви аъзоларни, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар башкарув органларининг аъзолари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиси мумкин эмас.

3.4. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.6. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишили овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиси лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлик беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга хакли.

3.7. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб хисобланади.

3.8. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси у сайланган кундан бошлаб, Жамиятнинг аффилланган шахси деб эътироф этилади. Шунга мувофиқ, у сайланган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шактга мувофиқ белгиланган маълумотларни батафсил кўрсаттан ҳолда ўзининг аффилланганиги тўгрисида Жамиятни ёзма шактда хабардор килиши шарт.

3.9. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш конунчилекда ва Жамият Уставида назарда тутитган тартибда акциядорларнинг умумий йинилиши томонидан амалга оширилади.

3.10. Кузатув кенгаши аъзоси куйидаги ҳолларда ўз вазифаларидан озод этилиши мумкин:

юз - мансаб ёки хизмат мавкеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, Жамиятга зарар етказса;
Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларига зид равища инсофизз



ва мантиқсиз харакат килса;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни, шу жумладан инсайдерлик ахборотларни ошкор этиш, уларнинг учинчи шахслар томонидан ўз максадларида фойдаланишига йўл кўйса;

Жамият Кузатув кенгашининг мажлислиарида, Кузатув кенгаши кошидаги кўмиталярнинг мажлислиарида мунтазам равишда иштирок этмаса; у тузилишидан манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисидаги маълумотларни яширса;

Акциядор тмонидан унинг ўрнига бошқа номзод тақдим этилса.

IV. Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар

4.1. Кузатув кенгашининг аъзоси сифатида бенуқсон ишчанлик ва шахсий обрў-эътиборига эга бўлган ҳамда Кузатув кенгаши ваколатига тегипши карорларни кабул килиш ва функцияларини самарали бажариш учун талаб этиладиган билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган шахслар тавсия этилади.

4.2. Кўйидаги малака талабларига эга бўлган шахс жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин:

- олий таълим ёки илмий даражанинг, ёинки бошқарув (менежмент) соҳасида кўшимча таълими мавжуд бўлган;
- Давлат ёки хўжалик бошқарув органлари активларини бошқариш соҳасида ва/ёки жамият фаолиятига тегишли бўлган тармоқда иш тажрибасига эга;

-раҳбар лавозимларида, шу жумладан Кузатув кенгашлари таркиблиарида иш тажрибаси мавжуд;

- турли коллегиал органларда иштирок этиш, шу жумладан унинг Кузатув кенгаши кўмитаарида аъзолиги билан боғлиқ маҳсус кўнинмалар (кучли коммуникативлик кўнинмалари, фаолиятини шафоффлик, холислик, конструктивлик ва професионализм тамойиллари асосида амалга ошириш учун зарур сифатлар)га эга бўлган;
- Ўзбекистон Республикаси Иктисолий тараккиёт ва камбаражликни кискартириш вазирлиги кошидаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан берилган корпоратив бошқарувни малака атtestатига эга бўлган фукуролар.

V. Кузатув кенгашининг раиси

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга хакни.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси:

-Кузатув кенгашининг ишини ташкил этади;

-Кузатув кенгаши мажлислиарини чакиради ва уларда раислик килади;

-Кузатув кенгаши мажлислираида баённома юритилишини ташкил этади;

-акциядорларнинг умумий йигишишида раислик қилади.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

VII. Кузатув кенгашининг мажлислиарини ташкил этиши ва ўтказиш тартиби

6.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият Кузатув кенгаши, ижро органи аъзосининг, шунингдек жамият Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади.

6.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлислиарини ташкил этиши ва ўтказиш пухта ишланган режа асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай режани Кузатув кенгашининг барча аъзолари, ижро органи ҳамда зарурат туғилгандা, Жамиятнинг аудитори ва ички аудит хизматидан келиб тушган таклифлар асосида Кузатув кенгашининг раиси шакллантиради.

6.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама килишида фаол иштирок этиши имкониятларини яратади. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Кузатув кенгаши мажлислиарини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиши учун етарли даражада вакт ажрагтишлари лозим. 6.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлислиари хар чоракда камида бир марта ўтказилади, бунда мажбурий тартибда куйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Жамият бошқарув органининг жамиятнинг бизнес-режасини бажарилиши тўғрисидаги, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги, жамият томонидан амалга оширилган харидалар тўғрисидаги, жамият асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлик ва боғлик бўлмаган шўйба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги, жамият томонидан тижкорат мажсадлари ва нотижорат мажсадларининг бажарилиши тўғрисидаги хисоботлари;

-жамият бошқарув органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг трансформация, амалга оширилган харидалар бўйича хисоботлари;

-ички аудит хизматининг хисоботи;

-Кузатув кенгаши хузурида ташкил этилган Стратегия ва инвестициялар кўмитаси, Аудит кўмитаси, Тайнловлар ва ҳак тўлаш кўмитаси, Коррупцияга карши курашиш ва этика кўмитаси томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича хулоса ва тавсиялари.

6.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.



6.6. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг колган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида карор қабул килишга, шунингдек Жамият бошкарув органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутагилган тақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчи тайинлашга хаклидир.

6.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида карорлар мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

6.8. Куйидаги карорлар жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул килинади:

-жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш хакидаги карорлар;

-конунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тушиб тўғрисидаги карор;

-жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилаётган битимни маъкуллаш хакидаги карор;

-сиртдан овоз бериш йўли билан (сурʼов йўли билан) қабул килинадиган карорлар.

6.9. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.

6.10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул килишда жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал килучви хисобланади.

6.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлиснинг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктиримай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

-мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

-мажлисда хозир бўлган шахслар;

-мажлиснинг кун тартиби;

-овоз беришга кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

-қабул килинган карорлар.

6.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлиснинг баённомаси мажлисда интирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ҳамда мажлис котиби томонидан имзоланади. Кузатув кенгаши аъзолари мажлис баённомаси тўгри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.13. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларига котиблик килиш ва баённома юритиши вазифасини бажарувчи шахсни белгилайди. Бунда,



Кузатув кенгашы котиби сифагида корпоратив маслахатчи, кимматли көзөзлар бүйича мутахасис, корпоратив бошқарув бүлүми бошлиги ёки бошка мутахасис белгиланиши мүмкін.

6.14. Жамият Кузатув кенгашининг карорлари сиртдан овоз бериш йүли билан (сүров йүли билан) жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул килиниши мүмкін. Бунда Кузатув кенгашининг мажлисида ҳозир бўлмаган Кузатув кенгаши аъзосининг мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ёзма тарзда берган фикри инобатга олинади ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан (телефон, электрон алока, ижтимоий тармоқларнинг мессенжерлари ва х.к.) фойдаланган ҳолда Кузатув кенгаши аъзосининг ёзма фикри тезкор тарзда йўлланиши ва олинниши мүмкін. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳакда кўрсатилади.

6.15. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси масофадан туриб ахборот коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алока тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мүмкін, бунда мажлисда иштирок этайтган Кузатув кенгаши аъзолари кун тартибидаги масалаларни муҳокама килишлари ва улар бўйича овоз беришлари мүмкін. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алока тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳакда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб этироф этилмайди.

6.16. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг бошқарув организига ижро этиши учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий ўйнилшини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг бошқарув организига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари

7.1. Кузатув кенгаши аъзоси куйидаги хукукларга эга:

-Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама килинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вакт доирасида сўзга чиқиш;

-Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда жамиятнинг фаoliyati натижалари, уни ривожлантириш режалари тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

-Жамиятга, шунингдек, унинг шўъба ва тобе юридик шахсларига оид талаб қилиш ва олиш;

-кун тартибидаги масалалар, қабул килинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Кузатув кенгаш мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

-Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар

таклиф килиш;

-Кузатув кенгаши ва жамияттинг бошқа коллегиал органлари мажлислари баённомалари билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш; -конунчилликда ва жамияттинг ички хужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгашда ишлаган даври учун ҳак ва (ёки) харажатларининг компенсациясини олиш.

7.2. Кузатув кенгаши аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажарища жамияттинг манфаатларини кўзлаб вижданан ва оқилона иш тутиши, уларга маълум бўлган маҳфий маълумотларни ва хизмат ҳамда тижорат сирини ташкил этувчи жамият хужжатларини ошкора килимасликлари лозим.

7.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўз мавқеини ва жамият фаолияти ҳакида олинган маълумотларни шахсий манфаатларида фойдаланишига, шуннингдек ушбу маълумотларни бошқа шахслар томонидан шахсий манфаатларида фойдаланишига йўл кўймасликлари лозим.

7.4. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши мажлисида шахсан катнашишлари шарт. Агар мажлисида катнашиш имконияти мавжуд бўлmasa Кузатув кенгаши аъзоси сабабларини кўrsatgancholoda Kuzatuv kengashini bu haqda xabaridor qiladi. Bир vaqtning yuzida Kuzatuv kengashini bu Nizomga muvofiq kun tartibidagi masalalar yozasidan e'zma fikrini yuboriishiha xakli.

7.5. Аффилланган шахс бўлган Кузатув кенгашининг аъзоси жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўгрисида тузилиши кутилаётган битим хакидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўгрисидаги маълумотларни, тегиншли шартноманинг муҳим шартларини багафсил кўrsatgancholoda e'zma bildirgi yuboriishi orqali Жамиятни xabaridor etishi shart.

7.6. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу карорларни қабул килишга тасир кўrsatgancholik учун бевосита ёки бильосита ҳак олиш хукукига эга эмас.

7.7. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятлари (мулкий ва номулкий хукуклар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамияттинг фаолияти ва режалари тўгрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик ортириш максадида фойдаланиш хукукiga эга эмас.

7.8. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини xalol, shuningdek Жамият манфаатлари йўлида Ulpar eng yaxshi deb xisoblайдиган usul bilan amalga oshiriшta mажбуриytlar.

7.9. Кузатув кенгаши аъзолари куйидаги фидуциар мажбуриятларни бажаришлари лозим:

-жонкуярликни намоён қилиш мажбурияти-Кузатув кенгаши аъзосидан вижданан ва жонкуярлик асосида ҳаракат килиш; -одикликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл кўймаслик мажбурияти-Кузатув кенгаши аъзоларидан, биринчи навбатда, корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат килиш; -лозим даражада кўздан кечиришиликни намоён килиш мажбурияти —



Кузатув кенгаши айзоларидан корхонага нисбатан карор кабул килишда эхтиёткорлик билан ёндашиш;
-мустакил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти-Кузатув кенгаши айзосидан карорларни мустакил, шахсий ва бошка манфаатларни инобатга олмаган холда қабул килиш.

VIII. Кузатув кенгаши айзоларининг жавобгарлиги

8.1. Жамият Кузатув кенгашининг айзолари ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши хамда белгиланган тартиба жавобгар бўлиши лозим.

8.2. Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

8.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган карорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушибу карорга карши овоз берган жамият Кузатув кенгаши айзолари жавобгар бўлмайди.

8.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилиган зарарларнинг ўрнини коплаш тўрисидаги даъво билан жамиятнинг Кузатув кенгаши айзоси устидан судга мурожаат килишга хакли.

8.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши айзоси куйидагилар натижасида жамиятга етказилиган зарар учун жавобгар бўлади:

- чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёғон ахборот такдим этганлик;
- конунчиликда белгиланган ахборот такдим этиш тартибини бузганлик;
- жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузилиши таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш максадида битимлар тузилиши таклиф этганлик.

IX. Кузатув кенгашининг кўмиталари

10.1. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши айзолари орасидан кўмиталар ташкил этилади.

10.2. Жамиятда Кузатув кенгаши карори билан куйидаги кўмиталар ташкил этилади:

- Стратегия ва инвестициялар кўмитаси;
- Аудит кўмитаси;
- Тайинловлар ва ҳак тўлаш кўмитаси;
- Коррупцияга карши курашиш ва этика кўмитаси;
- 10.3. Барча кўмиталарнинг фаолияти кўмита таркиби, ваколатлари, иш тартиби хамда айзоларининг хукук ва мажбуриятлари каби коидаларни ўз ичига олган ички хужжатлар билан тартибга солинади.
- 10.4. Кўмиталар таркиби Кузатув кенгаши айзоларидан иборат бўлади.
- Зарур холларда кўмиталар ишига Жамият бошкарув органлари айзолари,



жамият ходимлари ва ташки экспертлар жалб этилиши мумкин.

10.5. Жамият кузатув кенгашининг Стратегия ва инвестициялар кўмитаси раиси унинг мустакил аъзолари орасидан тайинланади ва мазкур кўмитага корхонанинг трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини доимий бошкарари вазифалари юклатилади.

10.6. Кўмиталар аъзолари жамият Кузатув кенгashi раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгашини аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгashi кўмита аъзолари орасидан кўмита раисини тайинтайди.

10.7. Кўмита мажлисida унинг аъзоларининг камида 2/3 кисми иштирок килса, мажлис ваколати хисобланади, бунда кўмита раиси иштирок этиши шарт. Мажлисда карорлар оддий кўғчилик овоз билан кабул килинади. Ҳар бир кўмита аъзоси бир овозга эга.

10.8. Кўмитанинг карори мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома кўмита котиби томонидан юритилади ва у овоз беришда катнашган аъзолари томонидан имзоланади.

X. Кузатув кенгашининг мустакил аъзоси


11.1. Жамият Кузатув кенгашини таркибига 1 (бир) нафар мустакил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили кайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлса, номзод кўрсатиш хамда Кузатув кенгашининг мустакил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

11.2. Куйдаги шахс Кузатув кенгашининг мустакил аъзоси деб “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 76-моддасида мустакил аъзолар учун белгиланган талабларга мувоғик келган Кузатув кенгашини аъзоси эътироф этилади.

11.3. Жамият Кузатув кенгашининг мустакил аъзоси сифатида сайланиши учун, конунчилек хужжатлари билан мустакил аъзолик учун белгиланган талабларга мос кетувчи куйдаги шахслар таклиф килиниши мумкин:

- профессионал жамиятлар ёки ташкилотларнинг аъзолари бўлган шахслар;
- олий таълим ва/ёки илмий-тадқикот муассасаларининг ходимлари;
- ушибу жамият билан боғлик бўлмаган (аффилланган бўлмаган) бошка ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари хисобланган, корпоратив конунчилекни биладиган хамда корпоратив бошкарув усувлари ва тамойилларидан хабардор бўлган шахслар;
- молиявий таҳлил ўткизиш, стратегик режалаштириш бўйича тажриба ва кўнинкамаларга эга бўлган чет эл мутахассислари.

Кузатув кенгashi аъзолигига мустакил номзодни кўрсатиш Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизга эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) томонидан амалга оширилади.



11.4. Кузатув кенгашининг мустакил аъзоси бошқа аъзолар билан бир хил вазифаларни бажариб, карорлар кабул килинишида мустакиллик тамойилини таъминлайди.

XI. Якунловчи коидалар

12.1. Мазкур Низом жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

12.2. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва кўшимчалар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўгрисидаги таклифлар жамият акциядорлари ва жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси конунчиларининг ўзгариши натижасида, ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки хакикий бўлмай колса, Низомга ўзгартириш киритилгунга кадар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик хужжатларига мувофик иш юритадилар

